

Туманимиз бўйлаб “Ватан остонаси” шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирлари давом этмоқда



“Ватан остонаси” шиори остида ташкил этилаётган тадбир Термиз туманида жойлашган чегара қўриқлаш қисмида бўлиб ўтди. Тадбир давомида чегарачилар ва уларнинг оила аъзолари билан ижодий учрашув ташкил этилди. Таниқли ижодкор ва санъаткорлар она Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли ишга бел боғлаган ҳарбийлар ва уларнинг турмуш ўртоқларига миннатдорлик билдиришди.

Ижодий жамоа шунингдек, чегара қўриқлаш взводидаги ҳарбий аскарлар билан ҳам учрашув ўтказишди.

Мазкур чегара қўриқлаш взводига Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан китоблар жамланмаси тухфа этилди.